O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI OLTINSOY TUMANI
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
АЛТЫНСАЙСКОГО РАЙОНА

20<u>20</u> y «<u>14</u>» <u>май</u> № <u>К-664</u> «__» ____ 20__ г

Сурхондарё вилояти хокимининг 2020 йил 17 апрелдаги 2020 йил "Вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги К-183-сонли карори ижросини таъминлаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-5 89-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон карорига асосан хамда Сурхондарё вилояти хокимининг 2020 йил 17 апрелдаги К-183-сонли карори ижросини таъминлаш максадида,

ҚА РОР ҚИЛАМАН:

1.Сурхондарё вилояти хокимининг 2020 йил 17 апрелдаги 2020 йил "Вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги К-183 сонли карори рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли карорига асосан вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш хаки, пенсиялар, стипендиялар, нафакалар хамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам микдори 1,07 баробарга оширилганлиги;

вилоят махаллий бюджетидан худудий бюджет маблағларини таксимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган микдорига киритилаётган ўзгаришлар микдори 10 фоиздан кам эканлиги инобатга олинганлиги;

Халк депутатлари вилоят Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги 322/5-48-сонли карори билан тасдиқланган 2020 йил учун Сурхондарё вилояти бюджетидан худудий бюджет маблағларини таксимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган микдорларига иловага мувофик ўзгартиришлар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.Туман Молия бўлими (Ж.Жўраев)га 2020 йилги бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредитор карздорликка йўл қўймаслик максадида туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020-йил учун харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4.Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари И.Бакаев зиммасига юклансин.

Туман хокими А.Джумаев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI * OLTINSOY TUMANI * DEVONXONA